

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

**Ўринбоев Ғайратжон Ғофур ўғли,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаменти бош тафтишчиси  
E-mail: [g.urinboyev@umail.uz](mailto:g.urinboyev@umail.uz)

## THE CURRENT STATE OF FINANCIAL CONTROL IN THE CITIZENS' STATE PENSION SYSTEM

**Orinboev Gayratjon Gafur o'gli,**  
General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan  
Against Economic Crimes  
chief inspector of combat department  
E-mail: [g.urinboyev@umail.uz](mailto:g.urinboyev@umail.uz)

### **JEL Classification: G00, G23**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимиз ижтимоий тизимида пенсия таъминотининг ўрни, пенсия таъминоти тизимида молиявий назорат олиб бориш ва мониторингини амалга ошириш масалалари, унинг ҳозирги ҳолати тадқиқ этилган. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимида давлат молиявий назоратини самарали ва кенг қамровли таъкил этиши, молиявий операцияларда инсон факторини камайтириш ҳамда тизимли йўл қўйилаётган молиявий хато камчиликларни олдини олиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган.

**Abstract.** There are studied the role of pension provision in the social system of our country, the issues of financial control and monitoring of pension provision system and its current state in the article *Proposals and comments on effective and comprehensive organization of state financial control in the state pension system of citizens, reduction of the human factor in financial operations, and prevention of*

*systematic financial errors and deficiencies have been put forward.*

**Таянч сўзлар:** давлат молиявий назорати, ижтимоий сиёсат, давлат мақсадли жамғармалари, пенсия тизими, пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари, ижтимоий – иқтисодий ислохотлар, бюджет таъкилотлари.

**Keywords:** state financial control, social policy, public funds, pension system, revenues and expenditures of pension system, economic – social reforms, budget organizations.

**Кириш.** Мамлакатимизда пенсия тизими ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тайинланадиган ва тўланадиган пенсиялар, нафақалар фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда етакчи ўрин тутди. Шундай экан ушбу соҳада молиявий ресурсларни тўғри ва оқилона бошқариш, молиявий назоратни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодийни модернизациялаш ва янгилаш шароитида давлат томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадли сарфланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш Республикамиз учун ниҳоятда муҳим масалалардир.

Жумладан, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси орқали йўналтирилган харажатлар фақат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки улар аҳолининг ҳамма қатламларига дахлдор ва меҳнат ресурсларининг бўлажак сифатини шакллантиради. Шунинг учун инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратиш берилиши ижтимоий ислохотларнинг бош мақсадидир. Бу жараёни амалга оширишда пенсия фонди ресурсларини самарали бошқариш ва назорат қилиш ҳамда унинг маблағларидан фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамиятга эга.

Шунингдек, мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия таъминоти муҳим ўрин тутди. Демографик омиллар таъсирида аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улушининг ортиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариб бориши барқарор, ишончли молиявий ресурслар билан таъминланган пенсия тизимини яратишнинг мақбул моделини танлаш билан бирга маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланиш устидан мукамал молиявий назоратни амалга оширишни тақозо этади.

**Материал ва метод.** Давлат молиявий назорати ва аудит тушунчалари ҳамда уни ривожлантириш жумладан, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида молиявий назоратни

такмиллаштириш масалалари кенг илмий доираларда ўрганиб чиқилган. Улар олиб борган назариялар, тадқиқотлар акс этган ишларни таҳлил қилиш орқали, улар томонидан билдирилган турли фикр-мулоҳазаларнинг бир нечтаси ўрганиб чиқилди.

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан молиявий назоратга турлича таъриф берилган. Хусусан, С.Е.Платонова ўз ишида молиявий назоратни молиявий ресурслар ҳаракатининг барча босқичлари ва даражаларида давлат молиясини самарали бошқаришда ёрдам берадиган ваколатли давлат ва ҳудудий органларнинг узлуксиз равишда, олдиндан, жорий ва кейинги ҳаракатлари мажмуи сифатида таърифлаган [1] бўлса, Н.С.Малеин бу борада Молиявий назоратни текширувда қонунийлик, асослилик ва пул харажатларининг тўғри содир этилганлигини аниқлашдан иборат бўлган ҳамда режаларнинг бажарилиш жараёнида молиявий, бюджет, кредит, ҳисоб-китоб ва касса интизомини таъминлашга қаратилган, молиявий, кредит ва хўжалик органлари (ташкilotлари)нинг ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинадиган фаолият сифатида таърифлаган [2].

Молиявий назоратга маҳаллий тадқиқотчилар Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б.лар эса “Молиявий назорат – молиявий ресурслар ҳаракатининг ҳамма жараёнларини яъни, маблағларни ташкил топиш жараёнидан бошлаб, ҳар қандай фаолиятни бошлашдан, то унинг молиявий натижаларини аниқлашгача бўлган даврни ўз ичига олади” дея таъриф беради. [3]

Умуман олганда, хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан молиявий назоратга турлича тарифлар

берилиб, унинг моҳияти давлат молиясини шу қаторда, пенсия таъминоти тизимларини бошқаришдаги аҳамияти ва уни такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилган.

Жумладан, М.Д.Жаумитова[4], Т.В.Переверзова[5], С.Е.Платоновалар фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш масалалари, бюджетдан ижтимоий соҳани ҳаражатларини молиялаштиришда молиявий назоратни амалга ошириш ташкилий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этган бўлса, И.А.Волков [6], М.М.Аранжереев [7] А.А.Ельцинлар [8] пенсия таъминоти тизимида нодавлат пенсия жамғармалари ва ижтимоий суғурта тизимларида молиявий назоратни амалга ошириш механизмлари ва хорижий тажрибалари таҳлил қилинган.

Маҳаллий тадқиқотчилардан Д.Р.Рустамов ўзининг илмий тадқиқотларида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий услубий асосларини ўрганган [9].

Профессор С.Мехмоновнинг диссертация ишида молиявий назорат механизмларидан ички аудит хизмати фаолиятига урғу бериб, унинг ташкилий-амалий жиҳатлари, услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган [10].

## Таҳлил ва натижалар

Охириги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояни яхшилашга қаратилган сай-харакатлар, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлиги натижаси ўлароқ ўртача умр кўриш давомийлиги ҳамда мамлакат аҳолисининг ўсиши натижасида бюджетдан пенсия ва нафақаларга ажратилаётган маблағлар миқдорлари ортиқ бормоқда. Шу билан бир қаторда, ушбу соҳада маблағларнинг мақсадсиз ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўпаймоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада ҳам бошқа бюджет соҳаларидаги каби ўтказилган текширишларда аниқланган хато ва кимчиликлар йилдан йилга ортиб бормоқда.

Сўнги йилларда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони барқарор тарзда ўсишни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши ўртача 5,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, пенсия ва ижтимоий нафақа ҳаражатларининг миқдори бироз “нотурғун” шаклда олдинги йилга нисбатан ўртача 23 фоизга ўсиб, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сонига нисбатан кескин ўзгариб бормоқда.

## Жадвал-1

### Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотининг асосий кўрсаткичлари

|   | 2018     | 2019     | 2020     | 2021     | 2022     |
|---|----------|----------|----------|----------|----------|
| Пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони, минг киши | 3 690,3  | 3 878,4  | 4 029,3  | 4 253,1  | 4 578,1  |
| Пенсия ва ижтимоий нафақа ҳаражатлари, млрд сўм     | 21 793,1 | 28 139,4 | 34 144,4 | 39 674,0 | 49 522,2 |

Тахлил натижаларидан кўриш мумкинки, ушбу соҳада харажатларнинг кескин ортиб бориши ўз навбатида молиявий қонунбузилишларни ҳам ортишига таъсир этади.

Хусусан, сўнги йилларда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тизимида пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўланишида инсон омили иштирокини камайтириш ва ушбу жараёнларни рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида ушбу соҳада молиявий қонунбузилишларни камайтиришда ижобий ўзгаришлар бўлсада, фуқароларнинг иш ҳақи ва стажи маълумотларини нотўғри аниқлаш, пенсия тайинлаш тўғрисидаги

қонунчиликнинг талқин қилишда янглишиш, талабларга риоя этмаслик ва бошқа кўплаб омиллар сабабли пенсия ва нафақа тўловларини кам ёки ортиқча тўланиши ва жамғарма маблағларининг ортиқча сарфланиши ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ички аудит хизматлари томонидан соҳада 2021 йилда 5504 та ҳолатда 9,9 млрд сўмлик, 2022 йилда 3134 та ҳолатда 6,6 млрд сўмлик молиявий ҳато ва кмчиликлар аниқланган бўлса, 2023 йилнинг ўтган 9 оyi давомида 1265 та ҳолатда 4,0 млрд сўмлик молиявий ҳато ва қонунбузилишлар аниқланган.




**1-расм. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимидаги молиявий ҳато ва қонунбузилишлар кўрсаткичлари (млн сўмда)**

Кўриниб турибдики, рақамлар тизимда пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлаш борасида қонунбузилиш ҳолатлари салмоғи ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлаш борасида йўл қўйилаётган қонунбузилишлар асосан иш стажини нотўғри ҳисоблаш, иш ҳақларини нотўғри ҳисоблаш, архив, қорхона ва ташкилотлар томонидан ҳато

маълумотлар тақдим этилиши, икки томонлама пенсия ва нафақалар тайинланиши, муддатидан олдин пенсия тайинлаш, компенсация ва устамаларни нотўғри қўлланиши, ҳуқуқи бўлмаган давр (*Вафот этгандан сўнг, ишончнома муддати тугаган, кўчиб кетган ва бошқа*) учун тўловларни амалга оширилиши каби ҳолатларда кузатилмоқда.




**2-расм. Пенсия ва нафақалар тайинлашда йўл қўйилган қонунбузилиш таркибий тузилиши (жамидаги улуши фоизда).**

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, пенсия ва нафақалар тайинлашда идора, ташкилот ва корхоналар билан ахборот алмашинувининг етарли даражада эмаслиги, ҳалигача пенсия ва нафақалар тайинлашда инсон иштирокининг юқорилиги, тўлиқ ва ишончли ахборот ҳамда маълумотларни олишда муаммоларни мавжудлиги, ушбу йўналишда қонунбузилишларга шарт-шароит яратиб, бюджет маблағларининг талон-торож қилинишига олиб келмоқда.

Таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки, пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлашда иш стажларини ва иш ҳақларини нотўғри ҳисоблаш, архив, корхона ва ташкилотлар томонидан хато маълумотлар тақдим этилиши, ҳуқуқи

бўлмаган давр (*Вафот этгандан сўнг, ишончнома муддати тугаган, кўчиб кетган ва бошқа*) учун тўловларни амалга оширилиши натижасида йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари энг салмоқли улушни ташкил этиб, йиллар кесимида ўсиш динамикасига эга бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2020-2022 йиллар давомида соҳа ходимлари томонидан содир этилган коррупцион жиноятларнинг асосий қисми ёки 83 фоизи ҳам пенсия ва нафақалар тайинлаб бериш юзасидан содир этилган бўлса, 17 фоиз қисми муддатидан аввал пенсия тайинлаб бериш ва тайинланган пенсия миқдорларини ошириб бериш эвазига содир этилган.



- пенсия тайинлаб бериш
- пенсия тайинлаб бериш (2 ёшгача)
- пенсия миқдорини қўпайтириб бериш
- пенсия тайинлаб бериш (18 ёшгача)
- муддатидан аввал пенсия тайинлаш

**2-расм. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимида содир этилган коррупциявий ҳолатлар кўрсаткичлари**

Шунингдек, соҳада молиявий назоратнинг самарали ташкил этилмаганлиги, соҳанинг тўлиқ ахборотлаштирилмаганлиги натижасида талон-торожлик ҳамда коррупцион жиноятлар ортиб бориш тенденцияси кузатилган. Хусусан, соҳада ушбу турдаги қонунбузилишлар ва жиноятларга йўл қўйиш ҳолатлари 2022

йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22 фоизга ортган.

2020-2022 давомида кузатилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг 27 фоизи жамғарма маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатларни ташкил этса, 73 фоизи коррупцион жиноятларни ташкил этган.



**1-расм. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимидаги ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичлари.**

Бунга асосий сабаблардан бири молиявий операцияларда ахборот технологияларни етарли тадбиқ қилинмаганлиги, кадрларни малакасини етишмаслиги, молиявий назорат тадбирларини амалга оширишда ягона тамойилнинг мавжуд эмаслиги, давлат молиявий назоратини амалга оширувчи ташкилотларда соҳани тўлиқ қамраб олиш имкониятининг йўқлиги, мутахассисларни ойлик маоши камлиги, улар фаолияти маҳаллий хокимият органлари аралашуви, тўлиқ мустақил эмасликлари ва бошқа кўплаб омилларни келтириш мумкин.

**Хулоса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимида давлат молиявий назоратини самарали ва кенг қамровли ташкил этиш, молиявий операцияларда инсон факторини камайтириш, тизимли йўл қўйилаётган молиявий хато камчиликларни олдини олиш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ.

- ҳар бир пенсия олувчиларни идентификациялаш орқали шахсий ҳисобварақлар очиш, пенсиялар тўлашнинг онлайн режимда ҳисоби ҳамда назоратини юритишни автоматлаштириш ҳамда автоматлаштирилган тўлов тизимини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, барча тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва «Электрон нотариус» ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;

- пенсияларни катъиян фуқаронинг Ягона миллий меҳнат

тизимига киритилган ва верификациялашган меҳнат стажи ҳамда 2005 йилгача архив идоралари, 2005-2015 йиллар учун АТ «Халқ банки»нинг жамғариб бориладиган пенсия тизими ва 2015 йилдан кейинги давр учун Давлат солиқ қўмитасининг фуқароларнинг суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри ва фуқаролар иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестридаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлари асосида ҳисоблаш, тайинлаш ва назорат қилиш;

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан маблағларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва улардан самарали фойдаланишнинг тўғрилигини текшириш ва назорат қилишнинг тўрт босқичли (1-босқич – аудиторлик процедураларини режалаштириш; 2-босқич – назорат тадбирларини ўтказиш; 3-босқич – яқуний текшириш материалларини тайёрлаш; 4-босқич - муассаса фаолиятини текшириш натижалари бўйича таклиф ва тавсияларнинг бажарилишини назорат қилиш) алгоритминини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш лозим.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни шиддат билан ривожланаётган бир даврда давлат молиявий назорати тизимини ҳам жаҳон стандартларига мос равишда шакллантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш Республикаимизни иқтисодий ривожланишига ўз хиссасини қўшади.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Платонова.С.Е. Механизм совершенствования государственного финансового контроля.-08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва.-2013.б.6
2. Малейн Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль. – М.: Наука, 1964. С.103
3. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. / Ўқув қўлланма.– Т.: infoCOM.uz МЧЖ нашриёти, 2009, -192 б(7 б.).
4. Жумаитова М.Д. Совершенствование пенсионного обеспечения граждан в Республике Казахстан. 6D050600 – Экономика. Диссертация на соискание степени доктора по профилю. Нур-Султан. 2021.
5. Переверзова.Т.В. Государственный финансовый контроль расходов бюджета на финансирование социальной сферы. 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Донецк. 2018.
6. И.А.Волков. Финансовый контроль за деятельностью негосударственных пенсионных фондов.<https://cyberleninka.ru/article/n/finansovyy-kontrol-za-deyatelnostyu-negosudarstvennyh-pensionnyh-fondov>
7. М.М.Аранжереев. Государственный контроль и надзор за деятельностью негосударственных пенсионных фондов. Вестник НГУЭУ, 2008, №1. <https://cyberleninka.ru/article/n/gosudarstvennyy-kontrol-i-nadzor-za-deyatelnostyu-negosudarstvennyh-pensionnyh-fondov>
8. Ельцин.А.А. Развитие финансового контроля в системе социального страхования Российской Федерации. 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2018.
9. Рустамов Д.Р. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзуси бўйича иқтисод фанлари доктори (Dc) даражасини олиш бўйича автореферати. – Т., 2018.
10. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.-08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодий фанлари доктори (DSc)диссертация автореферати.Тошкент.-2018.б.31-32.